

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИМКОНияТЛАРИ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўели, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 ЙИЛЛАР).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТўҒРИСИДА.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич,
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти
тарих фанлари номзоди

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ

For citation: Nurullo N. Tursunov. *Ethnogenesis and ethnic history of the uzbek people.* 2019, vol. 1, issue 18, pp. 17-23



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-02>

АННОТАЦИЯ

Ўрганилаётган минтақа этник ҳолати, этномаданий жараёнларга тарихий ҳодисаларнинг таъсири, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ҳудуд аҳолиси моддий маданиятида тутган ўрнини тарихий-этнографик материаллар асосида ўрганиш мақсад қилиб олинган.

Калит сўзлар: ўзбек, этногенез, этник жараёнлар, Динлин, Турк, Қарлуқ, Чигил, Қипчоқ, Ўғуз, Барлос, Жалойир

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич,
Термезский государственный университет
доцент кафедры Мировой истории
кандидат исторических наук

ЭТНОГЕНЕЗ И ЭТНОГРАФИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

АННОТАЦИЯ

Основной целью автора в данной статье является на основе историко-этнографических материалов раскрыть этническое состояние, влияние и место общественно-политических и исторических событий к происходящим изменениям (трансформациям) в духовной и материальной культуре жизни населения данного региона в изучаемый период.

Ключевые слова: узбек, этногенез, этнические процессы, Динлин, Турк, Карлук, Чигил, Кипчак, угуз, Барлос, Жалойир

Nurullo N.Tursunov,
Associate Professor, Department of World History
Termez State University, PhD in History

ETHNOGENESIS AND ETHNOGRAPHIC HISTORY OF THE UZBEK PEOPLE

ANNOTATION

The article aims to study the ethnographic status of the studied region, the impact of historical events on ethno-cultural processes, the role of socio-political processes in the material culture of the region's population based on historical and ethnographic materials.

Key words: uzbek, ethnogenesis, ethnic processes, Dinlin, Turk, Karluq, Chigil, Qipchoq, Oguz, Barlas, Jalair

Тарих фанидаги мавжуд илмий ишланмага кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи икки бисқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич-этногенез, иккинчи босқич этник тарихдан иборат [1, Б.3]. Ўзбек халқининг қадимги аجدодлари бундан икки ярим минг йил бурун Сайхун билан Жайхун дарёлари оралиғида яшаган саклар, массагетлар, тоҳарлар, хоразмийлар, марғиёнликлар, парфийлар, бақтрийлар, суғдийлар ва бошқа қабилалар ҳақида айрим маълумотлар қадимги Эрон манбалари: тош ва сополга ёзилган катибалар (илк ёзувлар) оташпарастликнинг муқаддас китоби "Авесто" (мил аввалги VI- мил ав. IV асрлар), "Хвадай намак" ("Подшоҳнома"), Абулқосим Фирдавсийнинг (940-1050й.) "Шоҳнома", Қадимги ҳинд манбалари "Махабхората"да ("Бхарта авлодлар жангномаси") учрайди [2, Б.80-81].

Ўзбек халқининг шаклланишига оид бирон бир алоҳида махсус тарихий манба йўқ, бу масалага оид маълумотлар тарихий, географик, лингвистик ва халқ оғзаки ижодиға оид асарларда учрайди.

Сўнгги йилларда 92 бовли ўзбек қавми номма-ном қайд этилган тўртта қўлёзма борлиғи маълум бўлди. Улардан икkitаси, "Мажмуъ ат-таворих" ва "Тухфат ут-таворух-и хоний" Санкт-Петербурглик шарқшунос олимлар А.Т.Тоҳиржонов ва В.А.Ромодиннинг саъй-ҳаракатлари билан аниқланди. Қолган икkitаси "Насабномаи ўзбек" ва "Асомини наводу фарқаш ўзбек" қўлёзмалари Тошкент шаҳрида сақланмоқда. Юқоридаги тўрт асарда келтирилган рўйхат деярли бири-бирига ўхшаш, ораларидаги тафовут жуда кам. Лекин бизга фақат "Насабномаи ўзбек" нинг манбаси маълум холос. Бошқа насабномалар ҳам шу манбага асосланганми ёки манбалари бошқами, бу ҳақда ҳозирча бирор фикр айтиш қийин, албатта [3, Б.43-47].

Юқорида келтирилган асарлар ниҳоятда ноёб манбалар ҳисобланиб, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини янада теранроқ ўрганишга яқиндан ёрдам беради. Узоқ давр мобайнида аجدодларимизнинг неча ўн минглаб авлодлари яшаб ўтган. Кўҳна уруғ-аймоғларимизга ўзга уруғ-аймоғлар қўшилиб, янги уруғ,

ҳаттоки янги қабилалар вужудга келган. Бу трансформацион жараёнлар (ўзгаришлар) такрорланиб турган. Натижада, айрим уруғ, қабилалар бутунлай йўқолиб кетган, ёки аралашган, мутлақо янги уруғ, қабилалар пайдо бўлган.

Таниқли этнограф, тарих фанлари доктори У.Абдуллаевнинг таъкидлашича, "этник жараёнлар" деганда, у ёки бу этнос (этник бирлик) билан кечаётган барча ўзгаришлар тушунилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, этник жараён икки хил кўринишдан; бўлиниб кетишга ҳамда бирлашишга мойил жараёнлардан иборат бўлади[4,Б.5].

Мавжуд ёзма ва моддий маданият манбаларининг таҳлиliga кўра ўзбек халқининг аجدодлари Ўрта Осиёнинг Амударё ва Сирдарё оралиғида ва уларнинг теvarак- атроф ҳудудларида азалдан яшаб келган. Ўзбек халқининг илк аجدодлари икки тил -туркий тиллар туркумидаги қabila ва элатлар (тиек, ху, ди, хун, динлин, турк, қарлуқ, чигил, қипчоқ, ўғуз, барлос, жалойир, қовчин, арлот ва бошқалар) ва шимолий-шарқий эроний тиллар туркумидаги қabila ва элатлар (сўғдий, хоразмий, бохтарий, чоч ва парғана ҳамда сак-массагетлар) бўлган. Улар узоқ асрлар давомида бир-бирларига яқин айнан бир ҳудудда аралашиб қўни-қўшни ва қуда-анда бўлиб яшаганлар ва уларнинг аралашуви жараёнида ўзбек халқи шаклланиган.

Этнология фанида миллий автохтонизм назариясига кўра ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи уч босқичдан иборат. Биринчи босқичда қўшни ҳудудий жиҳатдан яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қabila ва элатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиш, аралашуш ва этник қоришув, яъни этногенетик жараёнлар (ўзгаришлар, янгиланишлар) кечади. Бу этногенетик жараён ҳар бир халқ тарихида жуда узоқ давом этадиган объектив тарихий воқелик бўлиб, унинг якуни айнан олинган халқнинг шаклланишга олиб келади, яъни этногенетик жараён якунида халқ шаклланади.

Демак, халқ бу биологик ҳосила эмас, балки узоқ давом этадиган этногенетик жараёнлар маҳсули ва этник бирликлар йиғиндисидир. Халқ тарихининг этногенез босқичи, яъни биринчи босқичи унинг элат, халқ бўлиб шаклланишга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси, унинг ибтидоси қабиладан бошланади. Агар биз Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ туб жойли аҳолиси-ўзбек халқи мисолида оладиган бўлсак, у ҳолда ўзбек халқининг этногенези "кишилиқ" жамияти, тарихий тараққиётининг ибтидоий жамоа тузуми сўнггидан (сўнгги бронзадан) бошланиб, то ўрта асрлар жамиятининг X-XII асрларигача давом этади.

Иккинчи босқич, бу элат-халқ тарихи, яъни халқ этногенези якунлангач, унинг шаклланиган халқ тарихи бошланади. Ўзбекларнинг халқ тарихи тўлалигича ривожланган сўнгги ўрта асрлар даврининг ижтимоий маҳсулидир. Ўзбек элатининг маҳаллий туб жойли, суғдий, бохтарий, хоразмий, сак-массагет, ўтроқлашган, турғун туркий қabila ва элатлар асосида уюшиши қарлуқ-қорахонийлар даврида жадаллашиб (IX-X асрларда) ғарбий қорахонийлар давлати доирасида (XI-XII асрлар) узил-кесил шаклланди. Шундан сўнг, ўзбек элати-халқининг этник тарихи бошланди.

Ўзбекларнинг этник тарихи унинг этногенези каби узоқ давом этадиган этномаданий жараёнлар бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача давом этган, дейилса хато бўлмас. Халқ тарихи ўз иқтисодий-ҳўжалиқ

ва этномаданий ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллати бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи-миллий тарихи босқичи бошланади. Бу нуқтанинг ижтимоий, ҳаётда намоён бўлиши жамиятда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари билан юз бера бошлайди. Шунинг учун миллат капитализмнинг ижтимоий маҳсули ҳисобланади. Агар мана шу методологик тамойилга асосланадиган бўлсак, ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири - XX асрнинг бошларидан бошланади.

Миллатни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омил иқтисодий негиздир. Миллатнинг узил-кесил шаклланиши мустақил давлат белгиси. Давлат пул бирлигининг жаҳон бозоридаги мавқеи, унинг иқтисодий қудратидан нишонадир. Унинг мустаҳкам замини-давлат иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий сиёсатининг барқарорлигига боғлиқ. Фуқароларнинг ўзликни англаш даражаси истиқболли иқтисодий-сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир[5,Б.15].

Бугунги ўзбек миллатининг асосини Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган маҳаллий сўғдийлар, бақтрийлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, қанғилилар, кўчманчи сак-массагетлар каби этник гуруҳлар, шунингдек жанубий Сибир, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларида турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ташкил этган[6,Б.49]. Бу этник гуруҳлар ва этник компонентлар ўзбек халқи этногенезининг негизи ҳисобланади.

Тадқиқотчиларнинг далолатига кўра, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини тўрт даврга бўлиш мумкин. Биринчидан, яъни қадимий замонлардан милодий V асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда қадимий сак қабилалари ўз yurtларидан келган уруғ-авлодлар билан қўшилиб борган. Курама аҳоли бошқача ном билан атала бошлаган. Асосан яшаётган ери, ҳудуди, давлат номи билан юритилиб келинган хоразмийлар, сўғдийлар, бақтрияликлар, уйшунлар, тоҳарлар, қанғилилар ва ҳоказолар.

Иккинчи давр VI асрдан XII асргача бўлган вақт. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё ерларида ғарбий Турк ҳоқонлиги, кейинчалик Қорахонийлар давлати ҳукмронлик қилган. Амударё ва Сирдарё ораллигидаги ерлар Мовароуннаҳр (дарёнинг нариги ёғидаги ўлка) деб аталиб, аҳолиси қисман шарқий Эрон, қисман туркий тилларда сўзлашган. Ана шу аҳолига Олтой, Еттисув, ҳамда қўшни ерлардан туркашлар, тўққиз ўғизлар, тухсилар, қарлуқлар, чигиллар, яғмолар қўшилган. Ўзбек элатининг (халқининг) узил-кесил шаклланиш жараёни худди шу даврда ниҳоясига етган. Бунда, айниқса қарлуқлар, чигиллар ва яғмолар катта рол ўйнаганлар.

Учинчи давр XII асрдан XIV асрнинг 70 йилларигача чўзилган бўлиб, бу даврда Ўрта Осиё халқлари мўғул истилочилари ҳукмронлиги остида ҳаёт кечирдилар. Истилочилар ўзлари билан Ўрта Осиё ерларига Олтой, Еттисув, шарқий туркистонлик турк -мўғул қабилаларидан жалойир, барлос, қовчин, арлот, боёвут, сулдуз уруғларидан бўлган ва Чингизхон қўшинига ёлланган аскарларни олиб келдилар. Уларнинг кўпчилиги пировардида босиб олинган ерларда қолиб кетдилар ва маҳаллий туркий халқлар билан аралашиб батамом турклашдилар. Ўзбекларнинг авлод-аждодлари қонида озми-кўпми ҳар ҳолда уларнинг ҳам қони мавжуд.

Тўртинчи давр. XV аср охири XVI аср бошларида Ўрта Осиё янги истилочилар кўлига ўтди. Бу гал улар Дашт қипчоқ ерларидан келган кўчманчи ўзбеклардан

иборат эди. Шайбонийхон бошчилигидаги қўшинлар таркиби жиҳатидан ҳар хил уруғ, қабилалардан иборат бўлиб барчаси биргаликда "ўзбеклар" деб аталар эди. Дашти қипчоқдан келган кўчманчи ўзбек қабилаларининг умумий номи - "ўзбек" атамаси Мовароуннаҳрда илгаридан яшаб келаётган туркий уруғ, қабилаларнинг умумий этник, сиёсий номига айланди. Дашти Қипчоқда қолган кўчманчи турк, мўғул қабилалари эса алоҳида элатга бирлашдилар ва шу вақтдан бошлаб "қозоқ" номи билан юритилади. Шундай қилиб, қадим замонлардан ҳозиргача неча асрлар давомида ота-боболаримиз авлод аجدодларининг этник таркибига қанчадан-қанча маҳаллий, келгинди ҳамда қурама уруғ ва қабилалар аралашган[7,Б.53].

Элатни аниқловчи аломатларнинг этник жараёнларга у ёки бу даражадаги таъсирини инкор этмаган ҳолда, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда маданий муносабатларнинг ҳам катта таъсир ўтказганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим. Тарихдан маълумки, тарихий-этнографик минтақалардаги этник жараёнлар ва этнослараро алоқаларга ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам сезиларли таъсир ўтказган.

Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлар давомидаги ўзаро этник, иқтисодий ва маданий алоқалари, айниқса XIX аср иккинчи ярми- XX-аср бошларида анча жадаллашган эди. Албатта, диний эътиқодларнинг бирлиги, маданий-хўжалик хусусиятларининг ўхшашлиги, моддий маданияти ва маънавий қадриятларнинг яқинлиги каби омиллар ҳам ўзаро этник алоқалар натижасидир.

Шундай бўлсада, юқорида санаб ўтилган этник кўрсаткичлар маромига етишига ўша даврнинг ижтимоий - сиёсий ҳолати имкон бермас эди. Аввало, ўзбек халқи шаклланган ва тарихан таркиб топган минтақа уч давлатга (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) бўлиниб кетганлиги, улар ўртасидаги ўзаро урушлар, тахт ва ҳокимият учун курашлар, нисбатан иқтисодий қолоқлик ва ниҳоят ўлканинг подшо Россиясига тобе бўлиб қолиши каби омиллар ҳам маълум даражада этник жараёнларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Тадқиқ этилаётган минтақалар аҳолисининг этник тарихини ўрганишда ўрта асрлардан- XX аср бошларига қадар бўлган тарихий даврда ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий омиллар асосида кечган этник жараёнларга ҳам эътиборни қаратиш керак, албатта. XVI аср бошларидан кучайган сиёсий парокандаликнинг таъсири асрлар давомида динамик ҳолатда XIX аср охири - XX асрнинг бошларигача етиб келди. Бунинг натижасида эса хўжалик-маданий тараққиёт ҳам нисбатан бир қадар орқада қолган эди.

Ўзбекистон аҳолисининг келиб чиқиши ва шаклланиш муаммоси, этнослараро муносабатлар масалалари А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, П.П.Иванов, А.А.Семенов, Б.А.Ахмедов, С.С.Губаева, Б.Х.Кармишева, К.Ш.Шониезов, И.Жабборов, Т.Қ.Хўжаев, А.Хўжаев, А.А.Асқаров, А.А.Аширов, А.Х.Дониёров, С.Н.Турсунов, О.Бўриев, У.С.Абдуллаев, А.Р.Қаюмов каби олимларнинг ишларида кенг ёритилган.

Тадқиқотчилар ўзбек халқининг таркибий қисми сифатида узоқ асрлар давомида шаклланган учта йирик компонентнинг (субэтнос) мавжуд бўлганлигини қайд қиладилар[8,Б.116].

Улардан биринчиси- энг қадимги асрлардан ўтроқ ҳолатда яшаб Ўрта Осиёга эрамининг биринчи минг йиллиги охирларидан бошлаб, узоқ давр мобайнида жойлашиб, аста-секин ўтроқлашган туркий элатлар билан аралашиб кетган аҳолидир.

Иккинчи этник компонент (субэтнос) мовароуннахрнинг қадимий туркий элатлари билан келиб чиқиши турк-мўғул компонентлари бўлган субэтник гуруҳларнинг ассимиляцияси натижасида шаклланган. Улар Ўзбекистон ҳудудларида XX асрнинг бошларигача этник номларига ҳос бўлган хусусиятларини қисман сақлаб, ўтроқ ҳолда яшовчи қадимий этник компонентлар билан тўлиқ аралашиб кетмасдан, яримўтроқ турмуш тарзида яшаб, этнографик адабиётларда турк, чигил, яғмо, қорлуқ, аз, уз, қанғми, қипчоқ, каби этнонимлар номи билан маълум.

Учинчи йирик этник қатлам XV аср охири XVI асрларда Мовароуннахр ҳудудларига жойлаша бошлаган Дашти Қипчоқ этник гуруҳларидир. Улар XX аср бошларида ярим ўтроқ турмуш тарзида яшаб, чорвачилик ҳамда лалми деҳқончилик хўжалигини бирга олиб борган субэтник компонентлардир. Мазкур гуруҳнинг ирқий тузилишида монголоид белгиларининг анча сезиларлиги, тилида "ж" ловчи диалектнинг устунлиги ҳамда ўзларини "ўзбек"-деб аташларидир. Бу гуруҳ турли кичик этник гуруҳлардан қўнғирот, манғит, қипчоқ, найман, кенагас, сарой, хитой, минг, юз, қирқ, қатағон, ва ҳоказолардан иборат[9].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг жадал ўзгариши ҳам муайян этноснинг кейинги тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Ўлкада Совет ҳокимияти ўрнатилиши, Ўрта Осиёда ўтказилган сунъий равишдаги миллий ҳудудий чегараланиш сиёсати натижасида ўзбек халқи тараққий этаётган тарихий макон қисқариб, унинг таркибида ассимиляция, консолидация бўлаётган этник гуруҳлар бошқа қардош халқлар таркибида қолади ва унинг акси ҳам рўй беради. Демак, биринчи ўзбек элшунос академиги К.Шониезов таъбири билан айтганда, этноснинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун у яшаб турган ҳудудда осойишталик, барқарорлик ҳукмронлик қилиш керак бўлган[10,Б.36]. Афсуски, бу даврда ўрганилаётган ҳудудда барқарорлик ўрнини парокандалик ва сиёсий бошбошдоқлик эгаллаган эди. Шунингдек XIX аср охири - XX асрнинг бошларида, яъни ўрганилаётган даврда бир томондан, советлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилган бўлсалар, уларга қарши ўлкада қуролли кураш авж олган эди. Шундай бўлсада, кейинчалик минтақада вужудга келган нисбатан барқарор вазият ўзбек халқининг кейинги этник-маданий тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Ўрганилаётган даврда тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда кечган анъанавий этнослараро жараёнларнинг тавсифи билан чекланиб қолмасдан, ушбу жараёнларнинг моҳияти, ривожланиши йўналишлари, ҳамда бу жараёнларга таъсир этган ички ва ташқи омилларни имкон даражасида таҳлил қилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Асқаров А.Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари. Республика илмий ва назарий семинар материаллари. Т.2004.3 бет. (Askarov A. Some theoretical and scientific methodological issues of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Proceedings of the Republican scientific and theoretical seminar. Page 2004).

2. Шониезов К. "Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни" Т.,Шарқ, 2001. 80-81 бетлар. (Shoniozov K. "The formation process of the Uzbek people", Т., East, 2001. pp.

80-81.)

3. Бўриев О., Усмонов М. "Ўзбеклар этник тарихи ва этномаданий жараёнлар". Самарқанд, 2008 йил. 43-47 бетлар (O. Buriev, M. Usmanov. "Ethnic history and ethno-cultural processes of Uzbeks". Samarkand, 2008. Pp. 43-47)

4. Абдуллаев У.С. "Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар" (XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс.- Т., -2006. 5 бет. (Abdullaev U. "Interethnic processes in the Fergana valley" (19th-20th centuries) .Doc. Diss. - T., 2006. 5 pages)

5. Асқаров А. "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи". Т., "Ўзбекистон", 2015 йил, 15 бет. (A. Askarov. "The history of the Uzbek people" .T., "Uzbekistan", 2015, 15 pages.)

6. Бўриев О., Усмонов М. "Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар". Самарқанд, 2008. 49 бет. (O. Buriev, M. Usmanov "Uzbeks: ethnic history and ethno-cultural processes". Samarkand, 2008. 49 pages.)

7. Бўриев О., Усмонов М. "Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар". Самарқанд, 2008. 53 бет. (O. Buriev, M. Usmanov "Uzbeks: ethnic history and ethno-cultural processes". Samarkand, 2008. 53 pages.)

8. Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар. (XIX аср охири XX асрнинг бошлари). Тошкент. "Янгинашр". 2011. 11б. (Traditional interethnic processes in Uzbekistan. (Late 19th and early 20th century). Tashkent. New Edition. 2011. 11b.)

9. Ушбу маълумотлар 1924 йилги Ўрта Осиё районлаштириш комиссияси ва аҳоли рўйхати материалларидан умумлаштирилган ҳолда берилмоқда. (This data is summarized from the CentralAsian zoning commission of 1924 and census data.)

10. Шониёзов К. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи бир назарий масалалар. ЎИФ. №6 1998. 36 бет. (Shoniozov K. Some theoretical issues on the ethnogenesis of the Uzbek people. No. 6 1998. 36 pages.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000